



Кун нафаси

Давлатимиз раҳбари ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли турмуш шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида 2021 йил 1-2 июнь кунлари **Сурхондарё вилоятида** бўлди.

Президент **Шавкат Мирзиёев** Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасига **табрик йўллади**.

Жанубий Кореянинг етакчи нашрларидан бири – «The Korea Post» ўзининг интернетдаги саҳифасида Ўзбекистон Президенти **Шавкат Мирзиёевнинг** Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган «Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030» иккинчи **халқаро саммитидаги иштироки ҳақида мақола ва нутқининг инглиз тилидаги тўлиқ матнини** чоп этди.

Исломобод шаҳрида расмий ташир билан бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери **Нуриддинжон Исмоилов** бошчилигидаги парламент делегацияси Покистон Ислам Республикаси Сенати раиси **Содиқ Санжрани билан** учрашди.

Ўзбекистон Республикасининг Ироқ Республикасидаги Элчиси **Баҳром Аълоев** (қароргоҳи Кувайтда) Ироқ Президенти **Барҳам Солиҳга ишонч ёрлиқларини** топширди.

Ўзбекистон Республикаси билан **Қозоғистон** Республикаси Авиация маъмуриятларининг жорий йил май ойидаги келишувига мувофиқ, икки давлат **ўртасида янги мунтазам авиакатновлар ташкил** этилди.

«Uzbekistan Airways» АЖ хабарига кўра, «Тошкент – Дубай – Тошкент» йўналиши бўйича мунтазам рейслар сони кўпаймоқда.

Жиззахда Республика иктисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази филиали иш бошланди.

Пойтахтимизда «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан «Ўзбекистоннинг янги, прагматик ва фаол ташқи сиёсати» мавзусида халқаро давра сўхбати бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил
3 июнь
пайшанба
№ 72
(4512)

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ўз – 2021



Ўлкамизда ёз. Болажонлар интиқиб кутган фасл. Энди улар гўзал фасл тароватидан баҳра олиб, таътилда сўлим оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Сабаби, бу йилги мавсум ҳам анъанага кўра, ёзнинг илк кунидан бошланиб, мамлакатимиздаги 15 та стационар турдаги оромгоҳга 1 минг 333 нафар бола қабул қилинди.



Болаларга беринг дунёни...

Соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги мавсум бошланмоқда

Соғломлаштириш масканларида ўғил-қизларимизнинг мароқли дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Улар дам олиш билан бирга турли тўғарақларда машғулотлар олиб боришади. Шунингдек, адабий-бадий тадбирлар уюшқоқлик билан уюштирилади.

Оромгоҳлар ва уларнинг атрофида жамоатчилик тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ички ишлар органлари

ходимларининг доимий навбатчилиги йўлга қўйилди.

Республика Штаби томонидан мавсум жараёни тўғрисидаги умумий маълумотлар Ишчи гуруҳлар ва Вазирлар Мақамасига тақдим этиб берилмоқда.

Қайд этиш жоизки, жорий йилги мавсумда 1 минг 545 та оромгоҳ (202 та стационар ва 1 минг 343 та соғломлаштириш майдончалари) фаолият кўрсатиб, уларда 261 минг 608 нафар-

дан зиёд болалар дам олдирилади. Шундан 132 минг 237 нафар бола стационар оромгоҳларга, 129 минг 271 нафар бола эса соғломлаштириш майдончаларига жалб қилинади.

Мавсум давомида болаларни оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш тадбирлари учун 80 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»



Тошкент шаҳри



Ишчи гуруҳ фаолияти

Тизимли ишлар самаралари

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг фаоллар залида Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ ва Тошкент шаҳар масъуллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Муҳокама қилинган чўғи таъкидла-нишича, пойтахтимизда 16 минг 537 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган. Ҳозиргача уларнинг 3 минг 304 нафари ишга жойлаштирилди, 794 нафари касб-хунарга ўқитилди. 627 нафарига кредитлар ажратилиб, 1 минг 681 нафар боқув-чисини йўқотган эҳтиёжманд ва 1 минг 568 нафар ногиронлиги мавжуд аёлга моддий кўмак кўрсатилди. Бундан ташқари, 1 гуруҳ ногирони саналган 101 нафар хотин-қиз яшайдиган хонадонлар таъмирдан чиқарилди. Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки бирга яшовчи оила аъзолари номида уй бўлмаган 692 нафар аёлга ёрдам берилди.

Бугунга келиб, халқ депутатлари туман кенгашлари сессия-ларига киритиш орқали 9 минг

157 нафар (55,3 фоиз) хотин-қиз «Аёллар дафтари»дан чиқарилди. Шунингдек, ҳали давом этаётган ишлар ҳам бор. Ногиронлиги бўл-ган, онкологик касалликларга ча-лингана аёллар мунтазам равишда ушбу дафтар рўйхатида туради ва амалий кўмакдан баҳраманд бўлади.

Яна бир гап. Аёллар муаммо-лари фақат Тошкент шаҳридагина эмас, балки бутун республикамиз миқёсида батафсил ва тизимли ўрганилмоқда. Уларга барҳам бе-ришда 4 та сектор, ҳокимликлар, тадбиркорлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мута-хассислари, шунингдек, Касаба уюшмалари Федерациясининг ишчи гуруҳга жалб этилган хо-димлари ҳам фаоллик кўрсатиш-моқда. Президентимиз ташаббуси билан бошланган ушбу хайрли

Назм

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

«Аёллар дафтари»

Ҳеч бир замон эшитганми дардларини,
Кўрганми ё аёлларнинг дафтарини?
Сизга боқиб куйган эди кўнгилларим,
Эй сиз, менинг сўлғин опа-сингилларим.

Кўрдим бугун чехрангизда ишонч балқир,
Кўзингиздан юзингизга ёшлар қалқир.
Хушхабарлар уфурган гул мамлакатда,
Севинчингиз ёшларидир бу албатта.

Ҳар муштирап аёлни мен онам дедим,
Онам дедим, оламда яғонам дедим.
Бир байрамда юртда қанча ўзгаришлар,
Бир кечада кўнглинг ўсгай юз қаричлар.

Кимдир тумор, кимдир эса хумор истар,
Элга керак ҳали қанча Тўмарислар.
Момолари элга шаъну шавкат берган,
Бошларига кетмас тожу давлат берган.

Қолмас энди ҳеч бир аёл безътибор,
Бир эътибор сиздан, фақат бир эътибор –
Умрингизни боғу бўстон этар аёл,
Уйингизни Ўзбекистон этар аёл!

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУНУ КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

ҚИСҚА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда.


Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!


Ўзбекистон касаб уюшмалари федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Оналар, жо-он, оналар...



Дехқонлар қанчалик эркин?



Етти ўлчаб, бир кесайлик

ёхуд янги алифбо ҳақидаги эски ўйлар



Тошкент вилояти

Мусобақа

«Спортни сев – спорт билан яша»

Бекобод шаҳридаги «Металлург» спорт мажмуасида «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти касабасига ўшма қўмитаси томонидан 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Спортни сев, спорт билан яша» шиори остида ишчи-ходимларнинг оилалари ўртасида «Отам, онам ва мен» оилавий спорт мусобақаси ўтказилди.

Кизиқарли ва мурасасиз кечган спорт беллашувларида 1-ўрин Бадаловлар, 2-ўрин Содиқовлар ва 3-ўрин Кўчқоровлар оила-

сига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз муҳбиримиз



Наманган вилояти



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабасига ўшмаси Наманган шаҳар кенгаши ҳамда Мажбурий ижро бюроси Наманган вилояти бошқармаси ҳамкорлигида стол тенниси бўйича мусобақа ташкил этилди.

Давлатотбод туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган мусобақада Бюронинг вилоят бошқармаси, шаҳар ва туманлар бўлимлари ходимлари ғолиблик учун беллашдилар.

Ғолибларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Сардорбек МУЛЛАБОВЕВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабасига ўшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси



Фарғона вилояти

Фотима ва Зухра ғолиб

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига муносабати билан Фарғона политехника институтида байрам тадбири ташкил этилди.

Институт ишчи-ходимлари ва уларнинг фарзандлари иштирок этган тадбирда шоу-дастурлар, кўғирчоқ театрининг сахна кўринишлари барчага олам-олам қувонч бахш этди. Айниқса, шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари, мавзуга оид асфальтга расм чизиш кўрик-танловлари янада қизиқарли кечди.

– Тадбирда оила аъзоларимиз билан иштирок этдик, – дейди институт ўқитувчиси Динара Нўмонжоновна. – Фотима ва Зухра қизларимга

бугунги байрам жудаям манзур бўлди. Улар «Ўзбекистон – Ватаним!» асфальтга расм чизиш танловида иштирок этиб, фахрли ўринни қўлга киритишди.

Тадбир саховат байрамига улашиб кетди. 13 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйларини институт маъмурияти томонидан ўтказиб берилди.

Бахтиёр ДАДАЖОНОВ,

Фарғона политехника институти касабасига ўшмаси қўмитаси раиси



Хоразм вилояти

Ўзги соғломлаштириш

Уларнинг қувончи ва саломатлиги – биз учун муҳим

Ўқув йилини пандемия шароитида яқунлаган болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, таътилни мароқли ўтказишлари учун имконият яратиш ёз мавсумидаги муҳим вазифалардан бирига айланган бемиз эмас. Зеро, оромгоҳда ўтадиган кунлар уларнинг танига сиҳат, қалбларига қувонч бағишлайди, дунёқарашини ўзгартиради. Эркин фикрлашни, жамият билан муносабатга киришишни ўрганади, дўстлар ортттиради. Янги ўқув йили учун янги куч-қувват тўплайди.



Эргаш ЮСУПОВ, Ўзбекистон касабасига ўшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси

Мана шундай ҳузурли ва хайрли ишларнинг бошида турган касабасига ўшмалари томонидан эрта баҳорда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Масала мутасаддилар иштирокида бир неча бор муҳокама қилинди. Мавсумни карантин талаблари асосида юқори савияда ташкил қилиш юзасидан тегишли топширик ва тавсиялар берилди.

Хоразм вилоятида ўтган йил ёз мавсумида 13 та оромгоҳда 1534 нафар бола соғломлаштирилган, корона-вирус пандемияси туфайли режани тўлиқ бажариш им-

кони бўлмаган эди.

2021 йил ёзги мавсумда Хоразм вилояти бўйича жами 29 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатиши, уларда 10 920 нафар бола дам олдирилгани режалаштирилган. Асосийси, барча оромгоҳлар стационар тарзда фаолият юритиши йўлга қўйилди.

Вилоятдаги ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш ва дам олдириш тадбирларига тайёргарлик кўришга бу йил ҳар йилгидан эртароқ киришилди. Вилоят бўйича фаолият кўрсатадиган оромгоҳлар, уларга жалб қилинадиган ўқувчи-ёшлар сони ва сарфланадиган пул маблағлар миқдори белгилаб олинди.

Барча оромгоҳларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мавжуд инвентарлар, ошхона жиҳозлари хатловдан ўтказилди, яроқсиз ва эскирганларини янгилашга доир чора-тадбирлар кўрилди. Тадбирларнинг барчаси касабасига ўшмаларининг назоратида бўлди.

Пухта тайёргарлик кўрган намуна қилиб кўрсатилди, ортда қолаётганлар оғоҳлантирилди. Оромгоҳлар фаолиятини намунали тарзда ташкил этиш тўғрисида семи-

нар ўтказилди. Оромгоҳлар раҳбарлари билан суҳбат бўлиб ўтди. Урганч давлат университетининг чет тили мутахассислиги бўйича иқтидорли талабаларнинг рўйхати шакллантирилди.

Болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, оромгоҳларда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида ҳар бир оромгоҳга тиббиёт ходимлари, турли мусобақалар ташкил қилиш учун спорт йўриқчилари бириктирилди. Вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида фаолият кўрсатувчи педагог ходимлар ва етакчиларнинг 5 кунлик ўқуви 26 соатлик дастур асосида ташкил этилди.

Мавсумга тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириш, мавсум давомида олиб борилаётган ишларни назорат қилиб бориш ва мониторингини амалга ошириш, муаммолар юзага келганда уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича Ўзбекистон касабасига ўшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши қошида вилоят штаби фаолият бошлади.

Мана шундай пухта тайёргарликлар ўз самарасини берди. Шу йилнинг 1 июнь санасида вилоят оромгоҳлари ўз фаолиятини бошлади. Минглаб болалар қувончи билан тўлган ушбу масканларда тадбирлар белгиланган режа асосида йўлга қўйилди.

Биринчи кунданок оромгоҳларда қизгин жараёнлар бошланиб кетди. Кейинги кунлар янада қувончли ва самарали бўлишига ишончимиз қомил. Зеро, тарадуд ўзига яраша бўлган.



Қашқадарё вилояти




ШОДЛИК ШОДЛИККА УЛАНДИ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига Муборак туманидаги бир қатор давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Хусусан, мукаммал таъмирланган 4- ва 12-сонли мактабгача таълим ташкилоти бутунлай янгича қиёфада яна болажонларни ўз бағрига чорлади.

Тантанали маросимда касабасига ўшма фаоллари ҳам иштирок этиб, ўғил-қизларга совғалар улашишди. Бундан ташқари, туманда яна иккита нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг ишга туширилиши аҳолининг кўнглидаги гап бўлди.

Янгибой АВЕЗОВ, Таълим ва фан ходимлари касабасига ўшмаси Муборак тумани кенгаши раиси



Бухоро вилояти

Кўрик-танлов

«Бухоро минтақавий темирйўл узели» унитар корхонаси касабасига ўшмаси ҳудудий қўмитасида «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» кўрик-танловининг биринчи босқичи яқунланди.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИДА КИМ ЭНГ ЯХШИ ТАШКИЛОТЧИ?

Танловда 1-ўрин «Меҳнатни муҳофазаси бўйича энг яхши натижаларга эришган корхона» йўналишида «Бухоро алоқа» «Бухоро электро-энергия би-ва ишорат масофаси» корхонаси меҳнат муҳофазаси муҳандиси Ф. Раҳимовга, «Энг яхши натижаларга эришган бошланғич касабасига ўшма ташкилоти» бўйича эса «Бухоро алоқа ва ишорат масофаси» бошланғич касабасига

уюшма ташкилотига насиб этди. «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» йўналишида ғолибликни «Бухоро электро-энергия би-ва ишорат масофаси» корхонаси меҳнат муҳофазаси муҳандиси С.Давронов қўлга киритди.

Ғолиблар корхона касабасига ўшма ҳудудий қўмитасининг диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Ички туризм

ФАҲРИЙЛАР «НУРОТА» ЗИЁРАТИДА

«Бухоро минтақавий темирйўл узели» унитар корхонаси ҳудудий касабасига ўшма қўмитаси соҳада узоқ йиллар фидокорона ва самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сўраётган 45 нафар фахрий учун «Нурота» зиёратгоҳига сەҳнат уюштирди.

– Нурота ўзига хос бой ва бетакрор табиати, зилол ҳамда муқаддас булоқлари билан машҳур, – дейди корхона ҳудудий касабасига ўшма қўмитаси раиси Муродулло Жумаев. – Нафақадаги ишчи-ходимларга алоҳида эътибор қаратиш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун юртимиздаги бундай масканларга сەҳнатларини ташкил этиш бизга ҳам ўзгача завқ бағишлайди.

Сەҳнатчилар сайёҳлар билан тўлиб-тошган Нурота чашмасидан олам-олам таассурот олиб қайтишди.

Назозат НУРМАТОВА

Касабасига ўшмалари – болаларга!

Болаларни кутяпмиз

Шаҳрисабз туманидаги «Зиё чашмалари» оромгоҳида Қашқадарё вилоятидаги 18 та болалар оромгоҳи ҳамда уларнинг ҳомий ташкилотлари раҳбарлари, касабасига ўшма фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида жорий йилги ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон касабасига ўшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев кириш сўзи билан очди.

Анжуманда сўзга чиққанлар оромгоҳларни ўз вақтида мавсумга тайёрлаш, болаларнинг сифатли, мазмунли ва қизиқарли дам олишларини ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлик чораларини кўриш, тажрибали

педагог кадрларни жалб этиш ишларига тўхталишди.

– Жорий йилда оромгоҳимиз беш навбатда болажонларни қабул қилиш режалаштирилган, – дейди Яқубовдаги «Ниҳол» оромгоҳи директори Абдуразоқ Исоқов. – Бизда асосан «Муборак газни қайта ишлаш заводи» ходимларининг фарзандлари ҳордиқ чиқаришади. Ўғил-қизларнинг мириқиб дам олиши, турли тўғаракларда ўз билимларини янада ошириши учун барча нарса шай. Бо-

лалар билан ишлайдиган тарбиячи ва етакчилар ҳам танлов асосида ишга олинади.

Оромгоҳда ўтадиган ҳар бир кунда Президентимиз белгилаб берган беш ташаббусни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир ўғил-қизнинг қизиқишларини инобатга олиб, улар нимадир ўрганиб кетишига ҳаракат қиламиз.

– 300 ўринга мўлжалланган «Зиё чашмалари» оромгоҳи 2019 йилда бутунлай янгича қиёфада иш бошлади. Айни пайтда болажонларни кутяпмиз, – дейди оромгоҳ директори Холбобо Бозоров.

Акмал АБДИЕВ,

«ISHONCH»





Сурхондарё вилояти

Мавзуга қайтиб...

Энг улуғ иморатлар ҳамон эътиборсиз...

«Ishonch» газетасининг 2020 йил 18 февраль кунги сониди «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг пойдевори йўқ, нураётган ва яроқсиз мактаблар бор...» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

Унда Қумқўрғон туманида жойлашган 1- ва 51-умумтаълим мактаблардаги муаммолар ҳақида сўз юритилган эди. Аммо орадан 1 йилу 3 ой вақт ўтган бўлса-да, деярли ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Нега?

Таълим-тарбия сифатли бўлгани учун Қумқўрғондаги 1-умумтаълим мактаб битирувчиларининг деярли тенг ярми ҳар йили олий ўқув юр்தларига ўқишга киради. Бу яхши, албатта. Лекин бу илм масканининг асосий кўш қаватли ўқув биноси, мослаштирилган спорт зали ва ўқув хоналари аҳолини кўриб, «хайрат»дан ёқа ушлайсиз.

«Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир» деган ҳикматли гапни бизнинг раҳбарлар ёшитмаган ёки умуман унутган, — дейди мактаб директори Насиба Мустафақулова. — Мактабимизнинг асосий ўқув биноси 1959 йилда пойдеворсиз қурилган. Вилоят ва туман ҳокимларига, Халқ таълими вазирлиги ва унинг куйи бўғинлари раҳбарларига мактабнинг асосий ўқув биноси нураб бораётгани, спорт залимиз мутлақо талабга жавоб бермаслиги ҳақида мурожаат қилавериш, чарчадик. Очиғи, алам қилар экан, аёл бошим билан мактаб қурилиши ҳақида жон куйдирсам-у, мени ҳеч ким эшитмас... Қурилганига 20-25 йил бўлган мактаблар янгидан қурилмоқда. Бизнинг мактаб эса...

Сурхондарё вилояти Қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи Н.Назаров имзоси билан тасдиқланган 906-сонли техник хулосада шундай дейилган: «Техник кўриқдан ўтказилган Қумқўрғон тумани «Улуғбек» МФИда жойлашган 1-сонли мактаб (А, Б, В ва Г) блок бино-

ларининг техник ҳолати қурилиш меъёрлари ва талабларига жавоб бермайди».

Мана, сизга мактаб ҳолатига берилган баҳо! Сиртдан қараганда мактаб бинойидек. Аммо унинг бош ўқув биноси ва номигагина фойдаланиб келинаётган спорт зали нураш ҳолатида, синфхоналарнинг эшик ва ромлари 60 йил олдин қўйилган. Уларни замон талаблари асосида янгилашга жазм этадиган бирор-бир мард топилма-япти.

— Мактабимизда 758 нафар ўқувчи икки сменада ўқийди. Ҳар йили куз, қиш ва баҳор ойларидидаги ёғингарчилик вақтида томдан чакка ўтади. Қишда синфхоналар исимайди, — дейди Насиба Мустафақулова. — «Ishonch» газетасида эълон қилинган танқидий мақоладан сўнг асосий ўқув бино ва спорт зали қурилиши қилиб, фаоллар залини таъмирлаш учун 2020 йил 12 июнь куни буюртмачи — Қумқўрғон туман халқ таълими бўлими ва пудратчи — «Қўнғирот-Мустанг» ҳусусий корхонаси ўртасида шартнома имзоланди. Лекин ҳалигача ишлар ниҳоясига етгани йўқ. Пудратчи эса аллақачон қурилиш объектини тарк этиб, кўриниш бермай юрибди. Фаоллар залига ўрнатилган дераза ромларининг атрофлари текисланмаган. Бўёқлаш ва пардозлаш ишларига қўл ҳам урилмаган.

— Айрим синфхоналар ва спорт залига юрак ҳовучлаб қирадиган бўлиб қолган, — дейди мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Насиба Чориева. —



Деворда ҳосил бўлган ёриқлардан қишда совуқ уриб туради...

— Доим хавотирда ўтираман, — дейди мактабнинг «Жисмоний тарбия» фани ўқитувчиси Шокир Бердинов. — Бундан 62 йил олдин қурилган бўйи 18, эни 7 метрлик хонани 1996-97 ўқув йилида спорт залига мослаштириб олганмиз. Аммо уни спорт зали дейишга тил бормайди. Деворлари ёрилиб, шифтлари тўкила бошлаган. Бу ерда дарс ўтиш хавфли. 1990 йилдан бери спорт жиҳозлари умуман берилмаган. Ҳамкасбаримиз билан ўз ҳисобимиздан коптоқлар сотиб олиб турибмиз. Аянчли ҳолатдаги спорт зали, ўқув биноси ҳақида туман ва вилоятдаги мутасаддиларга ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда қилинган кўп мурожаатларимиз жавобсиз қолмоқда. Ишқилиб, уларнинг масъулиятсизлиги жабрини бир кун келиб, болажонларимиз тортишмасин-да...

Мактаб маъмуриятининг ўринли талаблари нега жавобсиз қолаётгани сабабини билиш учун Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлими мудирини Низомиддин Исмаиловга мурожаат қилдик.

— Мен яқинда иш бошлаганман, — дейди у. —



Аммо илгари ҳам шу тизимда ишлаганим учун 1-мактабни яхши биламан. Хавотирга ўрин йўқ. Ахир 60 йилдан ортиқ вақт мобайнида бирон кўнгилсизлик рўй бермаган-ку. Тўғри, мактабнинг ўқув биноси эски. Уни янгидан қуриш у ёқда турсин, ҳатто таъмирлашга ҳам маблағ йўқ. Ҳозир туманда 3 навбатда таълим берилган ўндан ортиқ мактаб мавжуд ва уларга давлат дастури асосида қўшимча ўқув бинолари қуриляпти. 1-мактабда ўқувчилар 2 навбатда ўқишини ҳисобга олсак, ҳозирча ваҳима қилмаслик керак. Мени эса 51-умумтаълим мактабида ўқиш 3 навбатдалиги безовта қиляпти. Бу масканга қўшимча 10 та синфхона керак. Ишонинг, физика, кимё-биология фанлари учун махсус лаборатория хоналари, асбоб-ускуналар, фаоллар зали йўқ. Туман ҳокимининг 2018 йил 2 ноябрь кунги қароридида мактаб биноларини капитал таъмирлаш ва янги 120 ўринли ўқув бино учун 1,2 гектар ер майдони ажратилиши қайд этилган. Лекин олдинга силжиш йўқ. Индамай, жим юрибмиз... Бўлади-да, бир кун...



шингиз мумкин-ку? — Яқинда Халқ таълими вазирининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосарига шахсан айтдим. У киши эса вазирга илтимосимни етказишини таъкидлади.

... Тумандаги ҳар бир мактабга масъул раҳбарнинг бу жавобидан ҳам қуласиз, ҳам қуясиз. Қизик, раҳбар ваҳимага ҳолат йўқ, деяпти. Ваҳоланки, махсус комиссиянинг хулосасида «Мактабнинг (А, Б, В ва Г) блокларидан фойдаланиш ҳолати ёмон. Қувурлар, хоналар, эшик ва дераза ромлари, поллар талабга жавоб бермайди. Ўқувчиларнинг кириб-чиқишига хавф солади» дейилган.

Мана, ўқувчилар ёзги таътилга ҳам чиқибди. Бироқ 1-умумтаълим мактабида бу йил ҳам жамоа ўз ҳисобидан таъмирлаш ишларини олиб боришади, чоғи.

Халқимизда, дарднинг нелигини бемордан сўра, деган нақл бор. Афсуски, орамизда ушбу ҳикматни билмайдиган, тушунайдиган «тебранмас» раҳбарлар ҳам бор. Уларга айтар сўзимиз шунки, миллат келажаги бўлиши болаларга яхши ўқиб-ўрганишлари учун қулай шарт-шароит яратишни ҳеч ҳам пайсалга солиб бўлмайди!

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Кичик мактабдаги катта муаммолар

Шовот тумани Бўйрачи қишлоғи «Остона» маҳалласидаги 50-умумтаълим мактаби 80 ўринга мўжалланган. Атиги 8 та ўқув хонасидан иборат бу икки қаватли иморат 2009 йили фойдаланишга топширилган.

Бироқ аҳоли турар жойларига туташиб кетгани сабабли мактаб экани сезилмайди. Устига-устак, синфхоналар ниҳоятда тор. Бу ўқувчиларга қатор ноқулайликлар туғдиради. Бу йил 11 та синфда ўқийдиган 160 нафар ўғил-қиз икки навбатда ана шу тарзда таълим олди. Уларга 27 нафар педагог сабоқ берди.

Ажабланарлиси, мактабда директор, унинг ўринбосарлари ва ўқитувчилар учун хоналар йўқ. Ошхона, мажлислар зали, спорт зали ва ўқув-лаборатория хоналари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Тўғри, «Остона» маҳалласида анча кам аҳоли — 860 нафар киши яшайди. Аммо, қандайдиган қатъи назар, бу ердаги болалар ҳам шаҳарлик тенгқурлари сингари бемалол ўқишлари, пухта билим олишлари, бунинг учун бор имкониятлардан бемалол фойдаланишлари керак.

— Биз мактабимиз учун қўшимча бинолар зарурлиги ҳақида жуда кўп жойларга мурожаат қилдик, лекин ҳозирга қадар ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, — дейди ўқитувчи Баҳодир Шарипов. — Негаки, мактаб ён-атрофида бўш жой йўқлиги муаммо устига муаммо туғдирмоқда.

Ҳўш, бу жумбоқни ким ижобий ҳал этади?


Оғриқ тишлар...



«Остона» маҳалласида униб-ўсаётган ёшлар қачон эмин-эркин таълим-тарбия олиш имкониятига эга бўлишади?

Биз бу саволларига соҳа мутасаддиларидан аниқ жавоб кутиб қоламиз.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
журналист



Нарпай туманидаги «Қадим» маҳалла фуқаролар йиғинининг Тошкент — Бухоро трактига яқин ҳудудда бундан анча йиллар олдин муштипар аёлнинг ҳайкали ўрнатилган эди. У ҳозир ҳам жойида турибди. Лекин ҳеч кимнинг эътиборини ўзига тортмайди. Чунки ҳайкал бирон-бир маъно аналтмайди. Кўриниши беўхшов, юзи бужмайган, пойига бирорта сўз ёки рақам ёзилмаган.



Ғамгин ҳайкаллар қошида


Абгор аҳволдаги бу ёдгорлик нега айнан шу жойга ўрнатилгани, унда кимнинг сиймоси тасвирланганини қишлоқда яшовчи 15 кишидан сўрадик. Улар саволларимизга жўяли жавоб беришолмади. Баъзилари «Бу Муқаддас она ҳайкали», дейишдан нари ўтишолмади.

Бундай ачинарли ҳолатларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Хатирчи туманидаги Лангар қишлоғига борсангиз, академик Ҳабиб Абдуллаевнинг майиб-мажруҳ одамга ўхшаш ҳайкалини кўрасиз. Унинг елкалари девниқидек баҳайбат, танасининг пастки қисми эса чумолининг белидек ингичка. Шунда хаёлингиздан беихтиёр «Нима бало, ҳайкалтарошлик санъати ўйин бўлиб кетганими?» деган фикр ўтиши табиий.

Маълумки, мамлакатимизнинг аксарият туманларида «Мотамсаро она» мажмуаси бунёд этилган. Уларда ўрнатилган ҳайкалларни кўриб, баъзиларига астойдил ачинасиз, қанчадан-қанча маблағ ва вақт сарфланганига қарамай, уларни бинойидекки тиклай олмаганлардан ранжийсиз. Сўнгра уларга қарата, «Қўлингиздан келмаса, нима қиласиз шундоқ ҳам мотамсаро онани йиғлатиб ва хўрлаб, оғайни? Бунга сохтакорликнинг кимга кериби бор?» дегингиз келади.

Юқорида тилга олинган ҳолатлар эътиборсизлик ва маданиятсизликдан бошқа нарса эмас. Модомики, шундай экан, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари уларни чуқур муҳокама қилиб, ёдгорликлар ва портретлар билан боғлиқ хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»



САРИҚАМИШДАГИ «ТАҚИҚ»ДАН КИМ ЮТЯПТИ ВА КИМ ЮТҚАЗЯПТИ?

Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда март-июнь ойларида балиқ овига тақиқ қўйилади. Боис, бу давр балиқлар кўпаядиган мавсум ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг махсус буйруғига мувофиқ, Амударё сув ҳавзасида шу йилнинг 10 март санасидан 31 май санасигача, табиий сув ҳавзаларида 26 апрелдан 10 июнга қадар балиқ овлаш тақиқланди.

Сариқамиш кўлида ҳам 2018 йилдан бошлаб мавсумий тақиқ ўрнатилди. Унгача балиқчиларга санаот мақса-



дида балиқ овлашга тўсиқ бўлмаган. Мутахасссларнинг айтишича, кўлнинг тахминан 70 фоизи Туркманистонга, қолган қисми эса Ўзбекистонга тегишли. Туркманистонда балиқ кўпаядиган ойларида (апрель-июнь) балиқ овига тақиқ йўқ, бизда эса бор. Биласиз, балиқлар чегара билмайди, бир кун Ўзбекистон ҳудудида сузса, эртасига Туркманистон томонига ўтиб кетаверади. Биз балиқ кўпайиши керак, деб тегмасак, уни эртасига нариги томондан бошқа биров тутаётган бўлса, ким ютқазди? Ундан кўра, балиқ овини аввалгидек тақиқ мавсуми пайтида ҳам очиб қилиб, ишчилар сонини кўпайтирсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Айни пайтда Сариқамиш кўлининг Ўзбекистон томонида битта корхона «Нукусу-Устюрт жағиси» МЧЖ фаолият кўрсатади. Унда 50 нафар киши иш билан таъминланган. «Тақиқ» ойларида уларнинг 60-70 фоизи вақтинчалик таътил бериб юборилади. Мақсуд корхона кўлнинг 4 минг 825 гектарига эгалик қилади ва йилига 200 тонна балиқ овлаб аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Кўлда сазан, лаққа балиқ, илонбош ва бошқа турли хил балиқлар кўп.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар

илмий-тадқиқот институтининг хулосасига кўра, мазкур кўлнинг Ўзбекистон томонида балиқлар кўпаймайди. Чунки кўлдаги тузлилик миқдори юқори ва у балиқнинг увилдирикларини ўлдириб ташлайди. Балиқлар асосан Туркманистон томонида кўпаяди, сабаби чуқуқ сув Дарёлик канали орқали у томондан келади. Кўлнинг ўртасида 20 километрга чўзилган катта ғов, яъни қум уюми бор. Чуқуқ сувнинг Ўзбекистон томонига ўтиб келишига ушбу ғов ҳам халақит қилади. Шу боис, Сариқамиш кўлининг Ўзбекистон томонида минерализация юқори. Масалан, кўл 2019 йил қишда музламаган. Шу йили март ойида сувдаги тузлилик миқдори 12,31 г/лни ташкил қилган. 2020 йилда сув сатҳининг кўтарилиши ҳисобига тузлилик миқдори озгина камайган — 10,65 г/л. Жорий йил апрель ойида ушбу кўрсаткич 10,87 г/лга кўтарилган.

Балиқ увилдирикларининг меъёрида яшаши учун сувдаги тузлилик миқдори 6-8 г/л бўлиши керак. Агар кўрсаткич 9 г/лдан ошса, увилдирикнинг яшаб қолиши пайсиз бўрарверди.

Яна бир далил, балиқлар Ўзбекистон томонига озуқа учун келади. Сариқамиш кўлининг шимол томонида минерализация юқорилиги ҳисобига сувда майда қисқичбақалар кўп ва балиқлар ейдиган ўт-чўплар ҳам мўл.

Сариқамиш кўлидаги балиқчиларнинг илтимоси шунки, апрель-июнь ойларидаги «тақиқ»ни бекор қилиш керак.

Хулосани эса мутасаддилар эътиборига ҳавола этамиз. Зеро, улар бу масалани биздан чуқурроқ билишади.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»



Ўзбек шоираси Озарбайжоннинг юксак мукофоти билан тақдирланди

Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасида шоир Расул Ризо номидаги халқро мукофоти топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мукофотга муносиб кўрилганлар орасида Ўзбекистон ва Озарбайжон Ёзувчилар уюшмалари аъзоси, «Китоб дунёси» газетасининг бош муҳаррири Хосият Рустамова ҳам бор.



Назар ЭШОНҚУЛ, ёзувчи

Мақтабда шундай ўқиганмиз. Олий таълим бизга шундай таълим берган. Биз шунга ишониб келганмиз. «А.Қодирий ўзбек романчилиги асосчиси!» деган жун таърифдан ва уни бир ўрис-яхудий олимнинг бағрикенглиги ва холислиги деб қабул қилганмиз; «дунёдаги янги романчиликка асос солиди» деган фикр бизга фахр бағишлайди.

А.Қодирийнинг ёзма адабиётга, романчиликка қўшган улушини ҳеч бир камайтирмаган ҳолда бу фикрларда ҳам рус итилоси, рус маънавий мустамлакаси акс садо си бор, деб ўйлайман. Зотан, маънавий мустамлака шундай фикрлашимизни, «фахрлишимизни» истаган, бизнинг ўтмишга муносабатимизни бугунги она тили ҳақидаги қарашларимиз каби ўз жиловига олган.

Бу қарашнинг тагида «Россия босиб олгандан сўнг бизда романлар пайдо бўлган, руслар бизга маданиятни ва бадииятни ўргатган» деган фикр ётади аслида! Ҳа, аслида-чи?

Аслида ҳазрат Навоийнинг бешта достони XV асрдан ҳозиргача дунё бадиий ва фалсафий тафаккурининг чўққиси ҳисобланган буюк роман эди, десак, кўпларга, айниқса, рус тарбиясида қарашлари шаклланганларга эриш туюлади. Ҳазрат Навоий бу дoston-романларида «Инсон ким? Қайдан келди, қайга борапти? Моҳияти нима? Инсонни халос қилиш йўли қандай? Инсонни нима халос қилади? Инсонни яна нималар моҳиятга – аслга қайтара олади? Инсонни халос қилиш йўли қаерда ва нимада?!» деган саволларга берган жавобларга мен ҳурмат қилган дунё адиллари XX асрдагина етиб келишган ва жавоб излашган. (Бу борада хоҳлаган валломат билан баҳсга тайёрман!).

Афсуски, бизни маҳлиё қилган XX асрдаги дунё адилларининг ҳеч бир жавоби ҳазрат берган жавобга дош беролмайди. (Бу билан «Дунё адабиётини ўқимасак ҳам, ҳаммаси ўзимизда бор, шунга билсак бўлди, деган хулосага ашаддий қаршилигимни ҳам айтиб қўйишим керак.) Келинг, «Бобурнома» дунёнинг энг зўр мемуар романи» деган фикр кўрпасини ўзимнинг устимга тортмай. Лекин биздаги халқ оғзаки ижоди – бахшиларимиз томонидан яратилган, Европа назидидаги «романлар» бизнинг бадиий-фалсафий тафаккуримизни жуда юксакка кўтариб келган, оддий қилиб айтсак, биз хонлиқларга бўлиниб, бир-биримизни қиргин қилаётганда, бахшиларимиз бизнинг бадиий ва фалсафий дидимизни дунё тафаккури даражасига кўтариб турганини тани олайлик. Шубҳа қилсангиз, улар томонидан яратилган асарларга боқинг!

Бахшилар, бизнинг халоскорларимиз яратган бадиий маҳсулотлар ёзма шаклга кўча бутун бошли кутубхона тўймай қолади. Бунга мен ва бахшичилик қафил! Бахшилар яратган «романлар» XX асрда Европа роман жанрига қўйган барча талабаларга дош бера олиши мени ҳаммашга ҳайратга солади. Бу романларда мен бизни мафтун қилган Юнон, Миср, Бобил, шумер, ҳинд, хитой каби ми-

Ўзлик ўйлари

Мен «дан» «мен» гача...

...Ўзбек романчилиги Абдулла Қодирийдан, жуда холислик қилишса, Ҳамзанинг бизгача етиб келмаган романидан бошланади, деб бизга ўргатишган, сингдиришган.

фологизмга бойлиги, теран бадиий поэтикаси, Европа маданий тафаккурида муҳим роль ўйнаган «рицарлик романлари», «саргузашт романлари», «илоҳиёт романлари» билан бир чўққиди, бир мақомда туриши, бизнинг бугунги адабий тафаккуримизнинг асл илдизи, асл сарчашмаси, асл «трамплини» экани билан мени ҳаммашга ошуфта қилиб келган.

Ғалим куруқ бўлмаслиги учун фақат бир эпосни эслатаман: Европа маданий, сиёсий, ижтимоий, фалсафий тафаккурини ўйғотиб берган қирол Артур ҳақида кельт эпосини эслайлик. Бу эпос бугунги кунда ҳам нафақат Ғарб адабиётига, фалсафасига, маданиятшунослигига, кинематографиясига, социологиясига, ҳатто айти пайтада энг оммавий ва дунё болаларининг онг-шуурини, табиийки, тарбиясини ҳам аллақачон забт этиб олган компьютер ўйинларининг ҳам асосий манбаси саналади.

Ваҳоланки, қирол Артур ҳақидаги мифологизми, бор фалсафаси, поэтикаси, у эришган ютуқлар ва бадиият «Гурўғли» эпосида «мана мен!» деб турибди. Дарвоқе, фольклоршунослар диққатига: Гурўғли образи билан бизни мафтун қилган қирол Артур образини, воқеликни, сюжетни, фабулаю ҳикматни бир солиштириб кўришимиз. Қанчалар ўхшашлик, қанчалар яқинлик, қанчалар параллелик, бугунги адабиёт учун қанчалар манба ва кувват бор.

«Гурўғли» эпоси туркуми сон жиҳатдан ҳам, кувваий ҳофиза жиҳатдан ҳам кельт эпосини хира қилиб қўяди. Бир мисол: атоқли фольклоршунос Т.Мирзаяев «Гурўғли» эпоси биргина ўзбек халқ оғзаки ижодида 100-140 та дostonдан, демак, «роман»дан иборат эканини қайд этади!



Хўш, ўзингиз хулоса қилинг, қирол Артур ҳақидаги Европа тафаккурини маданий босқичга кўтарган романлар ҳеч курси сон жиҳатдан баҳс бойлашармикин?! Лекин биз, болаларимиз қирол Артурни, унинг сеҳрли қиличини, сеҳрлар Мерлинни худди ўз миллий қахрамонимиздай яхши билимиз, «улар бизнинг «севилими қахрамони-миз»га айланиб бўлган. Гурўғлини бугун ўзбекларнинг 80 фоизи билмайди, аммо қирол Артурни 80 фоиз болалар билишади!

Хўш, она тилига, Ватанга, миллатга бўлган муносабатлар асоси шу ерда эмасми?! Бугунги авлод Гурўғли, унинг сеҳрли оти Фирот (Ш.Турдимов Фиротни «куёш», яъни оташпарастликка, куёшга сиғинган зардуштик қарашларни ўзида камраб олган от деб таърифлайди), ғайб отаси Хизр, Соқи булбулни шунчаки эртас ва чўпчак деб ўқийди ва қабул қилади. Мақолни ўзгартиришга тўғри келади: «Яқиндаги куйруқдан узокдаги ўпка яхши».

Европалик адибларнинг бир фикри менга ёқайди: «Европа тафаккурини янгилаб берган қирол Артур тарихий шахсми ёки йўқми, бу муҳим эмас, муҳими шундаки, агар қирол Артур тарихий шахс бўлмаганда ҳам уни Европаликлар ўзини, тафаккурини, дидини, дунёга муносабатини, умуман ўзини-ўзи халос қилиш учун барибир ўйлаб топишарди!»...

Нон нега меъдага тегмайди?

Ўқинг, бу – қизиқ!

Қадимий битикларда икки мавзу кўпроқ тилга олинган. Биринчиси – меҳр-муҳаббатга йўрилган инсонсеварлик, иккинчиси, яшаш учун озик-овқат – нон топиш.

Ғарбда нонни кўп истеъмол қилишга қашшоқлик белгиси сифатида қаралади. Ўзбеклар эса нон кўп истеъмол қиладиган халқлардан бири ҳисобланади. Бунинг этномаданий ва этнопсихологик жиҳатлари бор.

Бугун дастурхонимизда турган нон машҳур шоиримиз Муҳаммад Юсуф таъбири билан айтганда, «яқтаклари этагидан тер томар» бободеҳқоннинг оғир меҳнати маҳсулидир. Ерга сочилган уруғнинг униб чиқиши, суғорилиши, ёввойи ўтлардан тозаланиши, ўриб олиниб, хирмонга келтирилиши, харроздан ўтказилиб, унга айлантирилиши, сўнгра хамир қорилиши, нон ясалиши ва тандирда пиширилиши ҳазилакам иш эмас. Бинобарин, нонни энг улуғ кашфиёт дейиш мумкин.

Кексалар бировга миннатдорлик билдирмоқчи бўлишса, «Сувдек сероб, нондек ноёб билинг!» дейишади. «Сувдек сероб бўлинг!» каллимаси замирида эзгу амалларингиз янада кўпайсин, «Нондек ноёб бўлинг» сўзлари ортида эса янада қадрли, саховатли бўлинг, деган исхоннинг таъми билиш органлари ва ошқозони учун зарур ферментлар мавжуд. Уларнинг организмга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши оватланиш тажрибасига боғлиқ. Айрим одамлар, ҳатто бутун бошли халқлар нонни жуда кам ейдилар ёки умуман емайдилар. Шундай кишилар ҳам борки, озиқ-овқат ўрнига кузқ мева-чеваларни, дархат томирлари ва барглари,

ўт-ўланларни истеъмол қилишади. Қайнатиш билан кифояланадиганлар ҳам учраб туради. Чақалқоқлар эса олти ойгача фақат она сутини эмишади. Демак, овқатланиш тажрибаси билан нон еиш ўртасида ўзаро боғлиқлик бор.

Нон ва нон маҳсулотлари кўп истеъмол қилинишига бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Чунки организм учун зарур оқсиллар, витаминлар, темир моддалари, ёғ ва суюқликнинг етишмаслиги гармоник ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Гоҳо организм бу моддаларни бошқа турдаги маҳсулотлардан, жумладан, нондан олиши мумкин.

Ноннинг филогенезга ва узоқ умр кўришга таъсирини ўрганиш қизиқарли мавзу. Нима учун нон этномаданий аънаёна айланган? Барча халқлар ҳам биздек кўп нон ва нон маҳсулотлари истеъмол қиладими? Уларнинг рационидида нон неча физионо ташкил этади? Тандирда ёпилган ноннинг таъми газ ва электр печкада ёпилган нонникидан бошқача эканлиги боиси нимада? Улардан қайси бири организмга, филогенетик ривожланиш босқичларига ижобий таъсир кўрсатади?

Ушбу саволларга жавоб топилса, биз ҳозиргидан бошқачароқ хулосаларга келишимиз мумкин. Тўғри, нон меъдага тегмайди, деган фикр ростлигини этномаданий тажрибалар тасдиқлайди, бироқ уни тиббий экспериментлар билан бойитиш ва тўлдирish ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Виктор АЛИМАСОВ

Муносабат

Назаримда, охириги пайтларда беморларни даволашдан кўра, уларга даромад келтирадиган мижоз сифатида қараш оддий ҳолга айланиб қолмоқда. Йирик шаҳарларда қандайлигини билмадим, лекин туман марказларида дорихоналар бисёрлигини кўриб, эсингиз оғади. Баъзи жойларда уларнинг сони озик-овқат дўконларидан кўпроқдай туюлади. Ойнаи жаҳонда ҳам эртаю кеч турли-туман дори-дармонлар рекламаси берилади.

БЕМОРГА МИЖОЗ ДЕБ ҚАРАМАНГ...

ёхуд фидойиликни талаб қиладиган касб эгаларининг баъзиларига мурожаат



Кўним топиб ишлаб кета оладими? Албатта, йўқ! Иккинчидан, ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ва сифатини тубдан яхшилаш бугунги давр талабларидан бирига айланмоқда. Бас, шундай экан, олис ва чекка қишлоқларда яшовчи аҳоли соғлиги малакали шифокорлар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилса, айнаи мудоао бўлади.

Коррупцияга қарши кураш агентлиги маълумотларига кўра, ўтган йили республикамизда коррупциялашган соҳалар учлиги «шоҳсупа»сини Соғлиқни сақлаш вазирлиги эгалаган. Ушбу тизимда молиявий қонунбузилиш ҳолатлари 16 миллиард сўмни ташкил этган. Бундан ташқари, 22 миллиард

сўм миқдоридида давлат маблағлари мақсадсиз ишлатилишининг олди олинган. Келгусида бундай нохушликларга чек қўйишда учинчи йўналиш бўйича иш юритиш, яъни рақамлаштириш соҳадаги қозғобозлик, тўрачилик ва коррупцияни кескин қисқартиришда қўл келади.

Тўртинчи йўналиш эса тиббиётнинг барча жаҳалларида рақобат ривожланиши ва хусусий сектор жадал қилиб боришини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тубдан жонлантиришни талаб этади. Чунки рақобат йўқ жойда ўсиш ва тараққиёт бўлмайди. Аммо дастлабки босқичда тиббиётдаги хусусий сектор фаолияти давлат назоратида бўлиши керак. Бундай дейишимизнинг боиси, баъзи диагностика ва даволаш масканларида хизматлар нархи қиммат-

лиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Масалан, бултур пандемия шароитида тест синовлари учун ҳар бир хусусий тиббий маскан ўзи хоҳлаган нархни белгилади.

Тиббиётдаги ислохотларнинг пировард натижаси тизим ходимлари ўз касблари сир-асрорларини нечоғли пухта эгаллашларига боғлиқ. Демак, бешинчи йўналишга биноан, шифокорлар билимини ошириш, таълим ва илм-фанни янада ривожлантириш керак.

Рус классик адабиётининг йирик намоёнчаси Антон Чехов бой тажрибага эга шифокор сифатида оддий халқни бепул даволаган. Шахсий маблағи ҳисобидан касалхоналар қурдирган. Касбини улуғлат, «Шифокорлик – жасорат, у фидойиликни, қалб ва фикр софлигини талаб қилади» деган.

Бугунги кунда инсоният худди ана шундай фазилатларга эга шифокорларга ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Ишончимиз қолибди, бизнинг юртимизда ҳам чуқур билимли ва малакали тиббиёт ходимлари янада кўпаяди, улар эл саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшадилар.

Анваржон ҲАЛИМОВ, журналист



Андижон вилояти

Албатта, қарс икки қўлдан чиққандай, соғлиғи ҳақида, биринчи навбатда, аҳолининг ўзи қайғуриши керак. Бу ўринда ҳамюртларимиз тиббий маданиятини юксалтириш, уларнинг соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилишлари муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда, кам ҳаракатланиш, кўп ва нотўғри овқатланиш, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишлар авж олиб, инсон тансиҳатлигига боғлиқ муаммолар кўпаяверади.

Жорий йилнинг 18 майида Президентимиз тиббиёт соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш ва тизимни янада ривожлантириш масаласига бағишланган видеоселектор ўтказди. Унда халқ соғлиқни сақлаш соҳасидан норози эканини ҳамда ҳар бир раҳбар ушбу масала бўйича аҳоли олдида ҳисобдор бўлиши кераклигини таъкидлади. Ажабланарлики, жойларда ўтказилган сўровларда қатнашганларнинг атиги 13 фоизи соҳада ижобий ўзгаришлар сезилаётганини эътироф этган. Аксарият худудларда, айниқса, Андижон, Хоразм ва Тошкент вилоятларида аҳвол қониқарли эмаслиги аниқланган.

Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари соҳада 5 та йўналиш бўйича жиҳдий ўзгаришларни амалга ошириш шартлигини уқтирди. Аввало, бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, уларда ишлайдиган мутахассисларни меҳнатига яраша рағбатлантириш зарурлигини эслати.

Зеро, ўзингиз холисона айтинг-чи, кишлоқ оилавий поликлиникалари ҳамда кишлоқ врачлик пунктлари замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан таъминланган бўлса, дардига даво истаганлар узоқ йўл босиб, ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб шаҳарларга борармиди? Ёки айтилик, олий таълим даргоҳида 7 йил ўқиган, бугун бирламчи тиббиёт бўғинида 800 минг ёки 1 миллион сўм маош олиб хизмат қиладиган ёш шифокор у ерда

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИКОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИКОВ, Шоксимон ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМКУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛИМУРОВА (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлиб), Мехриддин ШУКУРОВ (Маъсуля котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсуля котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳбир: С. Абдурахмонов Мусақчи: А. Абулғайбов Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:45 Топширилди – 00:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюроғи Г – 606. 30368 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқмайди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «O'zbektelebank» Яшновоб филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130